# ЭНГ ЯХШИ КЎРСАТКИЧЛАР ҲАММАНИНГ МУЛКИГА АЙЛАНСИН!

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

танишганимдан жуда мамнунман. Ҳамма нарса: экономикадаги, социал ва маданий қурилишдаги ютуқлар қувончлидир. Айниқса ўз қўли ва ақл-идроки билан мана шуларни бунёд этган колхоз одамлари, меҳнатчилари кишини хурсанд қилади. Лекин бошқа нарсадан ҳам қувонасан, киши. Юксак марраларга чиқиб олган колхоз коллективи энди келгусида янги чўққиларни эгаллашни кўзламоқда. Барча меҳнатчиларни катта ютуқлар билан табриклаб, истиқбол учун ўйлаб қўйилган ҳамма режаларга эришилади, деб умид қилмоқчиман.

Вяэтса посёлкасининг барча аҳолисига бардамлик, ҳар бир оилага бахт-саодат ҳам тилайман».

Шу куни Пайде шаҳрида М. С. Горбачев Эстония Компартияси қишлоқ район комитетларининг биринчи секретарлари билан учрашди.

Учрашувда қишлоқ район партия комитетларининг биринчи секретарлари: Пайде районидан Я. Ю. Мартин, Харью районидан С. В. Конт, Раквере районидан Ю. А. Нийсуке, Валпа районидан М. Э. Колосова, Пярну районидан В. Я. Удам, Эстония ССР Давлат агросаноат комитетининг раиси Х. Т. Вельди сўзга чиқдилар.

Улар қишлоқ район партия ташкилотларида КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш, СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш соҳасида қилинаётган ишлар ҳақида гапириб бердилар.

Республика агросаноат комплексида меҳнат унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш учун шарт-шароит яратилмоқда.

Олға томон қилинаётган ҳаракат йўлида қийинчиликлар учраётганини, партиявий ишнинг баъзан эскириб қолган форма ва методлари, айрим раҳбарларнинг маъмуриятчилик одати халақит бераётганини кенгаш қатнашчилари таъкидлаб ўтишди. Қишлоқда барпо этилган потенциалдан фойдаланишда ҳам резервлар бор.

М. С. Горбачев суҳбатни якунлаб, бундай деди; район бўғини тарихимизнинг ҳар қандай босқичларида сиёсатни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга ҳамиша эга бўлиб келган. Ҳозир ҳам биз чуқур ўзгартишларни авж олдираётган, барча ишларда туб бурилиш қилаётган бир пайтда яна асосий оғирлик район бўғинининг зиммасига тушади: қайта қуриш сиёсатини реал ҳаёт билан боғлаш керак. У ёки бу шаҳар, район партия ташкилотининг хусусиятларига, иқтисодий, социал, идеология, кадрлар соҳасидаги ва шу каби хусусиятларга асосланиб, қайта қуришни реал турмуш билан туташтириш керак.

Партияни, унинг республика, ўлка, область, район, шаҳардаги маҳаллий органларини социал-иқтисодий ривожланишдаги, бошқа соҳалардаги ишларнинг аҳволи учун масъулиятдан ҳеч ким қутқара олмаслигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ҳозирги энг муҳим иш шуки, барча поғоналардаги партия органлари тобора кўпроқ сиёсий органларга айлансинлар. Сизга айтсам, бу ҳам жуда мураккаб вазифа, кўпроқ малакани, кўпроқ сиёсий етукликни, кенгроқ билим доирасини, ғоявий эътиқодни, педагогика асослари ва шу кабиларни билишни талаб қиладиган жуда мураккаб вазифа, деса бўлади. Буларнинг ҳаммаси осон эмас.

Район даражасидаги актив социал сиёсат, эҳтимол шундан иборатдирки, инсон социал жиҳатдан маъмур таъминланган бўлиши керак. Шундагина у яхши меҳнат қилади, меҳнат коллективида мустаҳкам ўрнашиб қолади, тажриба орттиради, ўз ишининг миришкори бўлади. Инсоннинг социал жиҳатдан маъмур таъминланиши — барқарор коллективларни вужудга келтиришнинг асосидир. Бу эса меҳнат унумдорлигига, самарадорликка, ҳамма нарсага эришишнинг калитидир.

Фирмаларгача бўлган меҳнатни ташкил этишга янгича ёндашиш масаласи, колхозга ёрдам бериш, шу жумладан, қайта ишлаш саноати билан колхозни кўпроқ бирлаштириш, жумладан, табиийки, колхоз, совхознинг ички ҳаётини ташкил этишга янгича ёндашишлар ҳам партия органларининг диққат марказида туриши керак. Ниҳоят, хўжалик ҳисобини, коллектив пудратни кенг қўлланиш ҳамма поғоналарга сингдириб юборилиши керак. Бу гап ишлаб чиқаришнинг ҳамма поғоналарига таал л у қ л и д и р. Янги формалар бўлмаса, ишлаб чиқаришнинг хўжайини инсон эканлиги тушунилмаса, инсон омили ўлик бир нарса бўлиб қолади.

Одамлар билан доимий мулоқот, жонли ҳамфикрлик бўлмаса, инсон омили ҳам бўлмайди. Услубни ўзгартириш бунга эришиш калитидир. Ҳозир, райком бошқа ташкилотларни тобора кўпроқ ишга солиши керак бўлган бир пайтда, Советлар ўз иши учун, район соғлиқни сақлаш бўлими ўз иши учун жавоб бераётган бир пайтда район партия комитети ўзининг бутун диққат-эътиборини партия ташкилотларининг ишига, меҳнат коллективларининг ишига қаратиши керак. Ташкилотчилик ишимизни шу соҳага ўтказиш лозим.

Ниҳоят, ўртоқлар, район партия комитетининг мувофиқлаштирувчилик роли ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Совет, район агросаноат бирлашмаси, қурувчилар, кооперация, ўқитувчилар, медицина ходимлари ўз вазифаларини бажаришлари керак. Советларнинг ҳам ўз иш соҳаси бор. Нега район партия комитети савдо учун, медицина учун жавоб бериши керак? Бу ишни Советлардан сўраш лозим. Бу соҳада улар ишласинлар ва жавоб берсинлар.

Партия органлари сиёсий раҳбарлик органлари бўлиши керак. Бу—экономика ва бошқа ҳамма ишларни ўз ичига олади, райком ҳаммаси учун жавобгар. У барча хўжалик, социал тадбирларнинг сиёсий ва социал оқибатларини, бу тадбирлар қандай натижаларга олиб боришини, қандай таъсир қилишини ва бу нарса биз ишлаб чиққан сиёсатга нақадар мос келишини яхшироқ кўриб туради.

**А. БЕЛИКОВ.**
**Б. ГРИШЧЕНКО,**
**Н. ЖЕЛЕЗНОВ,**
**А. ПРИСЯЖНИЙ,**
**ТАСС махсус мухбирлари.**

# СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

**1987 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛЬ № 65 МОСКВА ШАҲРИ**

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Прапоршчик ва мичман ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Улуғ Ватан урушининг ва СССР Қуролли Кучларининг ветеранлари, ўртоқлар!

23 февралда Ватанимиз Совет Армияси билан Ҳарбий-Денгиз Флотининг 69 йиллигини нишонламоқда. Улуғ Октябрь туфайли туғилган, Коммунистик партия барпо этган ва тарбиялаган СССР Қуролли Кучлари совет халқининг тинч меҳнатини ва мамлакат хавфсизлигини пухта равишда таъминлаб турибдилар, ўз интернационал бурчларини шараф билан бажармоқдалар.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари, армия ва флот жангчилари бу байрамни ялпи сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати вазиятида, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми ва КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан стратегик йўлни муваффақиятли амалга ошириш учун саботли кураш, мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётидаги ижобий силжишлар вазиятида кутиб олмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми қарорлари янгидан зўр куч ва ижодий ғайрат бахш этди. Мамлакатда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига социалистик мусобақа кенг қулоч ёзди.

Совет Иттифоқи ленинча ташқи сиёсатни қатъият ва изчиллик билан амалга оширмоқда, у дунёда биринчи бўлиб, инсониятни ядро уруши хавфидан қутқаришнинг реал программасини ўртага ташлади, халқаро муносабатларни тенглик ва ялпи хавфсизлик принциплари асосида ривожлантириш юзасидан конкрет чора-тадбирлар таклиф этмоқда. Ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда АҚШнинг урушқоқ империалист доиралари ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари ҳарбий-стратегик тенгликни бузишга, ядро қуроли соҳасида устунликка эришишга интилмоқдалар. Коммунистик партия билан Совет ҳукумати мамлакатнинг иқтисодий қудратини тезроқ кўпайтириш, мудофаа қобилиятини муносиб даражада сақламоқ учун зарур чора-тадбирларни амалга оширавердилар.

Коммунистик партияга, совет халқига астойдил садоқатли СССР Қуролли Кучлари ўз ҳарбий маҳорати ва жанговар тайёрлигини тинимсиз такомиллаштирмоқдалар. Улар Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар армиялари билан ягона бир сафда социализм ғалабаларини сергаклик билан қўриқлаб турибдилар. Совет халқи ҳеч қандай агрессив кучлар бизни ғафлатда қолдирмаслигига қатъий ишонавериши мумкин.

Армия ва флот жангчилари, ўртоқлар!

Улуғ Ватан урушининг ва СССР Қуролли Кучларининг ветеранлари, ўртоқлар!

Сизларни умумхалқ байрами — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни билан табриклайман. СССР Қуролли Кучларининг шахсий составига жанговар ва сиёсий тайёргарликда, ҳарбий интизомни ва уюшқоқликни юксак даражада сақлашда, ғоявий ва ахлоқий тарбияни такомиллаштиришда, замонавий қурол ва жанговар техникани эгаллашда янги муваффақиятлар тилайман.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 69 йиллигини нишонлаш юзасидан буюраман:

1987 йил 23 февраль куни маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти қаҳрамон шаҳар — Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар— Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тула, Смоленск, Мурманскда, қаҳрамон қалъа —Брестда, шунингдек, Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск шаҳарларида байрам мушакбозликлари ўтказилсин.

Яшасин Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 69 йиллиги!

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси —Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

**СССР мудофаа министри**
**Совет Иттифоқи Маршали**
**С. СОКОЛОВ.**

# БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

20 февраль куни Москвада Москва меҳнаткашлари вакиллари ҳамда пойтахт гарнизони жангчиларининг Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти 69 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

Президиумда — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Н. Ельцин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. И. Лукьянов, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Я. Я. Вагрис, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ҳарбий бошлиқлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, уруш ва меҳнат ветеранлари бор эдилар.

СССР мудофаа министрининг ўринбосари армия генерали Ю. П. Максимов йиғилиш аҳли ҳузурида нутқ сўзлади. Қуролли Кучларимиз Коммунистик партиянинг синалган раҳбарлигида ўсиб-улғайди, курашди ва ғалаба қозонди, деди у. Партия билан халқнинг ғамхўрлиги билан қуршаб олинган совет жангчилари ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини муносиб адо этмоқдалар. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг қардош армиялари билан ягона жанговар сафда тинчлик, социализм ғалабалари посбонлигида ҳушёр бўлиб турибдилар.

(ТАСС).

# ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ БИЛАН БИРГА

Ватанимиз жанубий чегараларининг посбонлари Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунини жанговар ўқишда, сиёсий тайёргарликда катта ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Туркистончи жангчилар Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, замонавий жанговар санъатни, мураккаб техникани бошқариш маҳоратини пухта эгаллаб, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамламоқдалар. Совет Қуролли Кучларининг 69 йиллигига бағишланиб 21 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилишда шу ҳақда гапирилди. Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Н. И. Попов доклад қилди.

Тошкент меҳнаткашлари, Ўзбекистон партия ва совет органлари, жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари иштирок этган йиғилишда туркистончи жангчилар республика меҳнаткашлари билан бирга Коммунистик партиянинг XXVII съезди йўл-йўриқларини, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни қайта қуриш режаларини амалга ошириш учун қатъий курашаётганликлари уқтириб ўтилди. Давлатимиз тинчликсевар сиёсатини батамом қўллаб-қувватлаётган шахсий состав совет кишиларининг бунёдкорлик меҳнатини қаттиқ ҳимоя қилиш, Ватанимиз, бутун тинчликсевар инсоният хавфсизлигини сергак туриб қўриқлаш, ўзининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини бажаришга доимо тайёр туришни ўз вазифаси деб ҳисоблайди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Р. Ҳ. Абдуллаева, Т. А. Алимов, А. С. Икромов, В. Н. Лобко, Р. Н Нишонов, В. И. Огарок, В. А. Хайдуров қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

# ЛЕНИН ПАРТИЯСИ БИЛАН БИРГА— ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

## *Ўзбекистон ЛКСМ XXIII съездидан*

21 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ЛКСМ XXIII съезди ўз ишини давом эттирди. Делегатлар комсомол ташкилотларидаги ишларнинг аҳволини ўз-ўзини танқид руҳида таҳлил этдилар.

Съезд ўтган Санъат саройи залига микрофон ўрнатилган. Истаган кишиларнинг ҳаммаси унинг ёнига келиб, етилган масалалар хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ошкора айтиб, уларни ҳал этиш йўлларини таклиф қилди. Ворошилов районидаги «Социализм» совхозининг ўрта мактаб ўқувчиси, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасининг раҳбари И. Степанова, Қўнғирот район комсомол комитетининг биринчи секретари Б. Тожимуротов, термизлик комсомол ветерани А. Р. Исмоилов, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг конструктори С. Нестеров ҳамда сўзга чиққан бошқа кишилар қайд этиб ўтишганидек, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми қарорлари ёшларнинг меҳнат ғайрати ва ижтимоий фаоллигини кучайтиришга янги омил бағишлади, Пленум қарорларида партия ва совет халқи олдида кейинги йилларда ўткир бўлиб турган муаммолар большевикларга хос дадиллик билан таҳлил этилган, социалистик демократияни чуқурлаштириш йўллари белгилаб берилган. Сўзга чиққан кишилар таъкидладиларки, ёшлар кўпгина шавкатли меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар, аммо булар йигит ва қизлар билан олиб бориладиган ишлардаги жиддий хатоларни панада қолдира олмайди. Шу йилнинг январь ойидан буён республиканинг 33 корхонасида маҳсулотнинг давлат қабули жорий этилди. Бу нарса турли камчиликларни яққол кўрсатди. Кўплаб ёш меҳнаткашларнинг янгича ишлашга тайёр эмаслиги ана шу камчиликлардан биридир.

Нутқларда инсон омили жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи воситаси бўлиб қолган бугунги кунда бўшангликка, интизомсизликка тоқат қилиб бўлмаслиги тўғрисида гапирилди. Шунга қарамай, ёшлардан иборат прогулчиларнинг айби билан давлатга миллионлаб сўмлик маҳсулот етказиб берилмади. Минглаб ВЛКСМ аъзолари эса ҳеч қандай асоссиз умуман бирон ерда ишламайди. Айни вақтда республиканинг бир қанча корхоналарида, қурилишларида ишчи кучи етишмаяпти. Меҳнат ресурсларини тақсимлаш, ёшларни Сибирь, Узоқ Шарқдаги, мамлакатнинг бошқа регионларидаги зарбдор комсомол қурилишларига юбориш соҳасидаги ишларни активлаштириш лозим бўлади.

Съездда қишлоқдаги ёшлар билан ишлашда, айниқса механизатор кадрларни тайёрлаш, республика комсомолининг чорвачилик ҳамда дон учун маккажўхори етиштириш устидан оталиғини яхшилаш ишида мавжуд бўлган жиддий камчиликлар таҳлил қилинди. Кадрлар билан ишлашни қайта қуриш, раҳбарларни сайлаб қўйиш принципини амалга ошириш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Умумий таълим ва ҳунар мактабини муваффақиятли ислоҳ қилиш учун комсомол зиммасига катта масъулият юкланади. Ўқувчиларнинг меҳнат бирлашмалари ўсмирларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаши керак. Қишлоқ мактаблари негизида хўжалик ҳисоби методи асосида ишловчи ўқувчилар бригадаларини тузишда кўпроқ қатъият кўрсатиш зарур. Ёшларга ҳунар ўргатиш, комсомолларнинг илмий-техникавий ижодкорлигини ривожлантириш, идеологик жиҳатдан чиниқтириш, уларнинг интернационал тарбиясини яхшилаш соҳасидаги ишларни янгича ташкил этиш керак.

Жиноятчиликка, ҳуқуқни бузишларга, ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, меҳнатсиз даромадларга, текинхўрликка қарши курашда комсомол комитетларига ҳали ҳужумкорлик етишмаяпти. Истиқомат жойларида ёшларга комсомолнинг таъсири сустлигича қолмоқда. Атеистик тарбия проблемаси янгича ёндашувларни талаб этади.

Область, шаҳар ва район комсомол комитетлари салбий ҳодисаларни бартараф этишда бошланғич комсомол ташкилотларига анча конкрет ёрдам беришлари, уларнинг мустақиллигини ривожлантиришга имконият яратишлари, ёшларнинг бўш вақтини яхшироқ уюштириш, эстетик дид ва эҳтиёжларини тарбиялашга кўмаклашишлари лозим. Комсомол сиёсий ўқишини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш зарур.

Съездда ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко нутқ сўзлади.

Съезд резолюция қабул қилди, унда партиянинг жамият бутун ҳаётини қайта қуриш, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўлини амалга ошириш соҳасида республика комсомолининг конкрет вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва Ревизия комиссиясининг янги состави сайланди.

(ЎзТАГ).

## Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми

21 февраль куни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди.

А. Н. Носиров Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари, Е. В. Гревцов иккинчи секретари, А. С. Қодиров, Ш. И. Алламуротов, М. А. Раҳимбердиева, А. К. Худойбергенов Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретарлари этиб сайландилар.

* * *

Ўзбекистон ЛКСМ Ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди. С. П. Филимонов комиссия раиси этиб сайланди.

(ЎзТАГ).

# ВЦСПС пленуми

20 февраль куни Москвада Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Советининг пленуми бўлди.

Пленум СССР касаба союзларининг XVIII съездига «ВЦСПС иши тўғрисида ҳисобот ва КПСС XXVII съезди қарорлари асосида СССР касаба союзларининг вазифалари» мавзуидаги ВЦСПС докладини муҳокама қилди ва маъқуллади.

ВЦСПС раиси С. А. Шалаевга СССР касаба союзларининг XVIII съездида ҳисобот доклади қилиш топширилди.

Пленум СССР касаба союзлари Уставы лойиҳасини касаба союз ташкилотларида муҳокама қилинган чоғда айтилган ўзгаришлар ва қўшимчалар билан бирга маъқуллади ва СССР касаба союзларининг XVIII съезди муҳокамасига қўйишга қарор қилди.

(ТАСС).

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

**ЎРТОҚ П. НУЪМОНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН БИНОКОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Республика капитал қурилишида кўп йиллик самарали меҳнати учун Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри ўртоқ Пўлат Нуъмоновга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. НИШОНОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри, 1987 йил 20 февраль.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

# «Мухбир»— «Корреспондент»

Журналнинг февраль ойи сони босмадан чиқди. Журнал КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми тўғрисидаги информацион билдириш билан очилади. «Ёшлар — қаҳрамонона ишлар вориси» сарлавҳали бош мақола берилган.

«Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига» рубрикаси остида филология фанлари кандидатлари А. Абдураҳмонов билан Ғ. Маҳмудовнинг «Шуълаи инқилоб» журнали ва унинг оташ қалбли редактори» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган.

«Союзимиз ижодий» рубрикаси остида берилган «Ижодий ташаббус кўрсатиб ишлайлик, қайта қуришда актив иштирок этайлик» сарлавҳали материал республика Журналистлар союзи область ташкилотларининг ҳисобот-сайлов конференцияларига бағишланган.

«Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми қарорлари — ҳаётга!» рубрикаси остида фалсафа фанлари доктори А. Абдусамедовнинг «Илмий-атеистик билимлар — оммага», «Қайта қуриш — давр талаби» рубрикаси остида эса Ўзбекистон телевидениеси программалар бош дирекциясининг масъул секретари В. Дремачевнинг «Жанговарлик ва ҳужумкорликни ошира бориб» сарлавҳали мақолалари босилган.

«Ижодий учрашувлар клуби» рубрикаси остида майор С. Лифановнинг «Кунлардан бирида, машқлар пайтида...» сарлавҳали материали берилиб, унда журналистларнинг ўз ижодий практикаларида кутилмаган вазиятларга дуч келишлари, натижада ўз режаларига тезда ўзгартиш киритиб, тўғри қарор чиқара олишлари ҳақида сўз юритилади.

Ўрта Чирчиқ район «Машъал» газетасининг масъул секретари С. Абдуллаевнинг «Район газетасида информация: у қанчага тушади» сарлавҳали проблематик мақоласи «Диққат: проблема!» рубрикаси остида босилган. Бунда редакциянинг ЎзТАГ материалларидан фойдаланиш миқдори ва шу ҳақда Тошкент область нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси бошқармасининг бошлиғи Ш. А. Миралимовнинг шарҳи берилган.

«Сўз — ишчи-деҳқон мухбирларга» рубрикаси остида Т. Холиқовнинг «Севимли касбим», Х. Тожиевнинг «Ҳаёт мактаби», М. Мирзашариповнинг «Газета ишқида ёниб», А. Эшқувватовнинг «Мухбирликни севаман», Д. Ҳосилованинг «Орзуга айб йўқ» сарлавҳали материаллари ҳам эълон қилинган.

# ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

## ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Шри Ланка — Совет дўстлиги уюшмасининг делегацияси республика ҳаёти билан танишиб чиқди. Делегация СССР билан Шри Ланка Демократик Социалистик Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 30 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этди.

Меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлдилар, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасини бориб кўрдилар, чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг ҳамда «СССР — Шри Ланка» жамияти Ўзбекистон бўлимининг активлари билан, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар. Делегация аъзолари Самарқандга сафар қилдилар.

(ЎзТАГ).

## УЗОҚ КУТИЛГАН УЧРАШУВ

СЎЗ — ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИГА

**Асока ЖАЕВАРДЕНА, Шри-Ланка — Совет дўстлиги уюшмасининг Ратнапурдаги бўлими президенти:**

СССР билан Шри-Ланка республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 30 йиллигини биз Ўзбекистонда нишонлаётганимиздан бахтиёрман. Мен чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар совет жамиятлари союзининг таклифига биноан Шри-Ланка—Совет дўстлиги уюшмаси делегациясининг составида бу ерга келдим. Тошкентга келишни кўп йиллардан бери орзу қилардим. Биз шаҳарнинг олижаноб ва дилкаш аҳолиси билан суҳбатлашдик, қадимий ёдгорликлар ва замонавий қурилишлар билан танишдик, яқин дўстларимиз билан учрашгандек қалбларимиз қувончга тўлди.

Гап шундаки, мен ҳам болалигимда бизнинг мамлакатимизда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилган эди. Машҳур «Баҳор» ўзбек халқ рақс ансамблининг артистлари уйимизда меҳмон бўлишган эди. Мазкур ўлканинг хореография санъати ва қўшиқлари мени мафтун қилганди. Сизларнинг санъатингиз бизнинг мамлакатимизда жуда манзур бўлган, қизларимиз эса ҳатто рақсларни ўрганиш учун Тошкентга келишган.

Ўзбекистон билан боғлиқ ҳамма нарса мен учун қадрли. Тошкентда олий маълумот олган кўплаб врачлар, педагоглар ва инженерлар Шри-Ланкада ишлаб турибдилар. Ўзбекистонлик мутахассислар Коломбода ун комбинати, Келанида шина заводи ва Поруалада пўлат қуйиш заводи қурилишида иштирок этдилар. Бу объектлар Шри-Ланка республикасининг миллий ифтихори бўлиб қолди. Тошкентда сингал ва тамил ёзувчиларининг ҳикояларидан иборат «Чой ранги» тўплами ўзбек тилида нашр этилди. Шри-Ланкалик кинематографиячилар Тошкентда ўтказиб туриладиган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари анъанавий кинофестивалларининг доимий қатнашчиларидир. Ана шу кино анжуманлари шунчалик оммалашганки, Шри-Ланкада Тошкент исмли йигит яшайди.

(ЎзТАГ).

## ЎЗБЕКИСТОН КИПРЛИКЛАР НИГОҲИДА

**Кипр пойтахти — Никосияда Ўзбекистон халқ ижодиёти кўргазмаси очилади.** Бу ерда март ойининг бошларида республикамиз иштирокида Совет Иттифоқи кунлари ўтказилади. 20 февраль куни мазкур мамлакатга Тошкентдан манзарали-амалий санъат кўргазмаси экспонатлари жўнатилди. Уларда Ўзбекистоннинг барча зоналаридаги моҳир чеварлар, усталарнинг илҳомбахш меҳнати акс эттирилган. Булар орасида Бухоро зардўзлик буюмлари, Фарғона водийси ўймакорлари ва ганчкорларининг ишлари, Хива мисгарлик буюмлари ва Шаҳрисабз гиламлари, Самарқанд заргарлари ва Қашқадарё чеварлари ясаган буюмлар бор. Ўзбекистонлик усталарни жаҳонга машҳур қилган кулолчилик санъатига катта ўрин берилган.

200 га яқин экспонатдан иборат кўргазмани Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ҳамда Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти ташкил этди. Кўргазма Кипр—Совет дўстлик ва маданий алоқалар жамияти маданият марказида намойиш қилинади.

(ЎзТАГ мухбири).

## ПНОМПЕНДА АН—32 САМОЛЁТИ НАМОЙИШ ҚИЛИНДИ

**ПНОМПЕНЬ, 19 февраль. ТАСС мухбири Александр Смеляков хабар беради.** О. К. Антонов конструкторлик бюросининг самолётлари Кампучиянинг «Акасачо» авиакомпанияси ҳаво йўлларида яхши хизмат қилмоқда. Шу боисдан ҳам бугун Кампучия пойтахтидаги Почентонг аэропортида Антонов фирмасида яратилган янги моделдаги АН—32 самолётининг намойиш мақсадидаги парвози катта қизиқиш уйғотди.

Самолёт бироз юргизилиб, тикка кўтарилди. Тажрибали учувчилар икки моторли турбореактив самолётнинг ҳавога тез кўтарилиш, парашютлардан юк ташлаш, битта двигатель билан учиш сингари имкониятларини намойиш этдилар.

## Хусайн АҚШни танқид қилмоқда

ЛОНДОН. Иордания қироли Хусайн Қўшма Штатлар араб халқларининг ишончини батамом йўқотди, деди. У «Файнэншл таймс» газетаси мухбири билан суҳбатда АҚШ томонидан Араб-Исроил можаросини бартараф этишга бирон бир тарзда кўмаклашиш иштиёқи нишоналарини мутлақо кўрмаётганлигини уқтирди. Шу муносабат билан қирол ўзининг кейинги ойда Вашингтонга мўлжалланган сафари мақсадга мувофиқлигига шубҳа билдирди.

Қирол Хусайн барча манфаатдор томонлар иштирокида Яқин Шарққа бағишланган халқаро конференция чақирилишини талаб қилиб чиқаётган Иордания маълум позициясини таъкидлаб, Вашингтон ва Тель-Авив Иорданияни Исроил билан сепарат музокаралар олиб боришга кўндиришга уринаётганлигини қайд этиб ўтди.

(ТАСС).

## КОНТРАБАНДИСТЛАР СУД ҚИЛИНМОҚДА

ПЕКИН. Хитойнинг жануби-ғарбий Юньнань вилоятидаги Куньмин шаҳри ўрта босқич судининг қарори билан асли Хитойдан чиққан Таиланд граждани Юн Чан Тракула, шунингдек Сянган (Гонконг)нинг икки фуқароси Тай Мань Сюэнь ва Юй Сик Фунь қорадори билан яширинча савдо қилганликлари учун ўлим жазосига ҳукм этилдилар. Бугун «Жэньминь жибао» газетасининг хабар қилишича, ўтган йил август ойида Куньминда жиноят устида қўлга туширилган жиноятчиларнинг сал кам 23 килограмм героини бўлган. Улар чет элдан қора дорини Сянганга ғайриқонуний равишда олиб ўтиш учун Хитой территориясидан фойдаланишган.

(ТАСС).

